



“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИГИЛИШИНING
23 – сонли баёни

Манзил: Ўзмиллийбанк Бош офиси,
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси,
101-уй.

2024 йил “11” март
Иш вақти: 11:00 – 12.55

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига узрли сабабларга кўра Банк Кузатув Кенгаши Раиси Л.Ш.Қудратов қатнаша олмаганлиги сабабали, йиғилишга Кузатув кенгаши аъзоси М.Ж.Норгитов раислик қилди. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди

Йиғилиш Раёсати: М.Норгитов.

Йиғилиш котиби: Т.Файзиев.

Санок комиссияси: А.Бахромов, М. Юсупов, А.Хабибуллаев

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш;
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг уставини янги тахририни тасдиқлаш;
5. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида Низомини тасдиқлаш.
6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (*кейинги ўринларда* – “Ўзмиллийбанк” АЖ) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси Юридик

хизмати бошлиғи Норгитов Мухитдин Жўрабоевич (*кузатув кенгаши аъзоси*) очди ва куйидагиларни маълум қилди.

Банк кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 14 февралдаги 7 - сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Уставига мувофиқ, Банкнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2024 йил 11 мартда чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2024 йил 15 февралда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида, шунингдек 2024 йил 21 февралдаги “Халқ сўзи” газетасининг 38 – сониди, 2024 йил 22 февралдаги “Правда Востока” газетасининг 38 – сониди ва 2024 йил 20 февралдаги “Народное слово” газетасининг 36 – сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) йиғилиш тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ҳамда кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхатини тузиш санасини 2024 йил 4 март куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 19 феврал ҳолатига шакллантирилган.

2024 йил 4 март ҳолатига банкнинг устав капитали **15 476 078 265 000,00 (Ўн беш триллион тўрт юз етмиш олти миллиард етмиш саккиз миллион икки юз олтмиш беш минг)** сўмни ташкил қилади ва у **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона номинал қиймати **1000 (бир минг)** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз санок комиссияси раиси – А.Бахромовга берилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, санок комиссияси томонидан 2024 йил 4 март ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга **15 476 078 265 (Ўн беш миллиард тўрт юз етмиш олти миллион етмиш саккиз минг икки юз олтмиш беш)** дона оддий акциялар эгаси бўлган **2 (икки)** та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги – **6 302 365 423 (Олти миллиард уч юз икки миллион уч юз олтмиш беш минг тўрт юз йигирма уч)** дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **9 173 712 842 (Тўққиз миллиард бир юз етмиш уч миллион етти юз ўн икки минг саккиз юз қирқ икки)** дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгалик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Устав капиталидаги акция пакетлари бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берган (2023 йил 24 августдаги № ОЮ - 07/08-739- сонли ишончномага мувофиқ).

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **15 476 078 265** донасига ёки **100** фоизига эгаллик қилувчи акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи М.Норгитов “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг барча департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш;
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти уставини янги тахририни тасдиқлаш;
5. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида Низомини тасдиқлаш.
6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиши

учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби кузатув кенгаши тавсияси билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича таклиф этилди:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери ассистенти Хабибуллаев Акбар Камолитдин ўғли;

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Мухаммаджон Алижон ўғли.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери ассистенти Хабибуллаев Акбар Камолитдин ўғли;

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Мухаммаджон Алижон ўғли.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилишини таклиф этди:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 50 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби белгиланиб олинди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 50 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

Жорий йилнинг 6 феврал санасида “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядори Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (6 302 365 423 дона оддий акцияларга эгаллик қилади) томонидан 04/54-1-2704-сонли хати билан Кузатув кенгаши мустақил аъзоси Полетаев Максим Владимировичнинг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ҳамда Банк кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига Муминов Абдуазиз Субхутдиновични сайлаш масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши бўйича топшириқ берилган.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатув кенгашининг аъзолигига қўйидаги номзодлар таклиф этилмоқда:

<i>№</i>	<i>ФИШ</i>	<i>Лавозими</i>
1	Кудратов Лазиз Шавкатович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири
2	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ кўмитасининг биринчи ўринбосари
3	Рахимова Гулнора Хашимовна	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
4	Норгитов Мухитдин Журабаевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг юридик хизмати бошлиғи
5	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг департаменти директори
6	Стюарт Лоусон	Мустақил аъзо
7	Муминов Абдуазиз Субхутдинович	Мустақил аъзо

Муҳокамадан сўнг кумулятив овоз бериш учун қўйидаги номзодлар овозга қўйилди:

<i>№</i>	<i>ФИШ</i>	<i>Лавозими</i>
1	Кудратов Лазиз Шавкатович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири
2	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари
3	Рахимова Гулнора Хашимовна	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
4	Норгитов Мухитдин Журабаевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг юридик хизмати бошлиғи
5	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг департаменти директори
6	Стюарт Лоусон	Мустақил аъзо
7	Муминов Абдуазиз Субхутдинович	Мустақил аъзо

Кумулятив овоз натижалари куйидагича бўлди:

<i>№</i>	<i>ФИШ</i>	<i>Тўплаган овозлар сони</i>
1	Кудратов Лазиз Шавкатович	15 476 078 265
2	Мирзаев Мубин Мухитдинович	15 476 078 265
3	Рахимова Гулнора Хашимовна	15 476 078 265
4	Норгитов Мухитдин Журабаевич	15 476 078 265
5	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	15 476 078 265
6	Стюарт Лоусон	15 476 078 265
7	Муминов Абдуазиз Субхутдинович	15 476 078 265

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркиби ўрнатилган тартибда уч йил муддатга қўйидагича тасдиқлансин:

<i>№</i>	<i>ФИШ</i>	<i>Лавозими</i>
1	Кудратов Лазиз Шавкатович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири
2	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари
3	Рахимова Гулнора Хашимовна	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
4	Норгитов Мухитдин Журабаевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг юридик хизмати бошлиғи

5	Мухамедов Шерзод Дилмуратович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг департаменти директори
6	Стюарт Лоусон	Мустақил аъзо
7	Муминов Абдуазиз Субхутдинович	Мустақил аъзо

3.1 “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзолари билан ўрнатилган тартибда шартномалар тузилсин.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

“Ўзмилийбанк” АЖ устави акциядорларининг 2019 йил 25 декабрдаги 1-сонли йиғилишида тасдиқланган бўлиб, бугунги кунгача банк уставга 10 (ўн) та қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

Сўнги йилларда қабул қилинган Қонун, Қарор ва Фармойишлардаги ўзгаришлар банк уставининг янги тахририни тасдиқлашга эҳтиёж тўғримоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги №ЎРҚ - 760 – сонли қонунга мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 61-сонли қарорига асосан 2023 йилнинг 1 январь санасидан бошлаб Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиниши белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан, банк устави лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тасдиқланиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сонли Қорори ижросини таъминлаш мақсадида, банк уставининг акциядорларининг умумий йиғилиши ваколати бўлимига ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш, жамиятнинг ташкилий тузулмасини тасдиқлаш масалаларини киритилиши кераклиги айтиб ўтилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг устави янги тахрирда илова мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *бешинчи масала* юзасидан

Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Қарорига асосан давлат улуши бўйича давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни танлов асосида аниқлаш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар танлов асосида белгиланган мезонларга асосан танлаб олиниши белгиланган.

Шу муносабат билан “Ўзмиллийбанк” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди ҳамда банк бошқарувида кўриб чиқилилиб, Кузатув кенгаши томонидан маъқулланиб, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун киритилганлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб қуйидаги қарор қабул қилинди:

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *олтинчи масала* юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарорига асосан Банк бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори микдорини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши айтиб ўтилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом Банк Бошқаруви томонидан янги тахрирда қайта ишлаб чиқилганлиги ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатув кенгаши томонидан маъқулланиб, Банк акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун киритилганлигини билдирди.

Кун тартибидаги масала агрофлича муҳокама килиниб қуйидаги қарор қабул қилинди:

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Бошқаруви аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 15 476 078 265 овоз.

“Ёқлайман” – 15 476 078 265 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

“Ўзмиллийбанк” АЖ

акциядорларининг умумий йиғилиши раиси



М.Ж. Норқитов

Йиғилиш котиби,

Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи



Т.Б. Файзиев